



## XALQ DEPUTATLARI QAMASHI TUMAN KENGASHI Q A R O R I

---



---

2021 йил «28» июль

VI-38-17-4-58-K/21

Қамаши туман ҳокимияти

### **Қамаши туман маҳаллий бюджетининг 2021 йил 2-чорак даромадлар режасининг орттириб бажарилган қисми ҳисобидан маблағларни йўналтириш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси “Бюджет кодекси”нинг 126-моддасига асосан туман ҳокимлигининг Қамаши туман маҳаллий бюджетининг қўшимча манбалари ҳисобидан маблағларни йўналтириш тўғрисидаги таклифларини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 24-моддасига асосан

#### **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Туман ҳокимлигининг Қамаши туман маҳаллий бюджетининг қўшимча манбалари ҳисобидан тумани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва кредитор қарздорликларни қоплашга йўналтириладиган маблағлар бўйича таклифлари маълумот учун қабул қилинсин.

2. Туман ҳокимлигининг Қамаши туман маҳаллий бюджетининг қўшимча манбалари ҳисобидан тумани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва кредитор қарздорликларни қоплашга йўналтириладиган маблағлар иловага мувофиқ маъқуллансин.

3. Туман ҳокимининг биринчи ўринbosари (Фафуров), туман ҳокимлиги молия бўлими (Пардаев) билан биргаликда:

Бир ҳафта муддатда мазкур қарорнинг иловасига мувофиқ кўзда тутилган тадбирларни ўз вақтида молиялаштириш учун туман ҳокимининг қарор лойиҳаларини тайёрласин;

Ўзбекистон Республикасининг “2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодекси талаблари асосида туман маҳаллий бюджетининг тасдиқланган параметрларига белгиланган тартибда тегишли ўзгартиришлар киритсин;

ажратилган мақсадли маблағларни ўз вақтида ва самарали ишлатилиши юзасидан молиявий ҳисботлар асосида тизимли ўрганиш ҳамда ўрганиш натижаларига кўра, ишлатилмаган ва иқтисод қилинган маблағларни туман маҳаллий бюджетига қайтариш чораларини қўрсин.

4. Туман ғазначилик бўлими (Бекпулатов) ажратиладиган маблағлар бўйича шартномаларни ўз вақтида рўйхатдан ўтказиш ва харажатларни белгиланган тартибда амалга оширилишини таъминласин.

5. Мазкур қарор ижросининг назорати Халқ депутатлари туман Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шаклллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳатларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси (Алимарданов) ҳамда туман ҳокимининг биринчи ўринbosари (Фафуров) зиммасига юклатилсин.

6. Мазкур қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Кенгаш раиси



Б.Тоғаев

Халқ депутатлари Қамаши туман  
кенгашининг  
2021 йил 28 июлдаги  
VI-38-17-4-58-К/21-сон қарорига  
1-илова

**Туман ҳокимлигининг Қамаши туман маҳаллий бюджетининг қўшимча  
манбалари ҳисобидан туманини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва  
кредитор қарздорликларни қоплашга йўналтирилладиган маблағлар**

№	Тадбирлар номи	Ажратиладиган маблағлар микдори (млн, сўм)
	<b>Жами:</b>	<b>3400,8</b>
1	“Аёллар жамғармаси” ва “Ёшлилар жамғармаси” хотин-қизлар ва ёшларни кўллаб-қувватлашга	200,0
2	Жамоатчилик фикри асосида шаклланган тадбирларни молиялаштириш учун “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси”га	1240,5
3	“Обод қишлоқ” ва "Обод маҳалла" дастури бўйича амалга оширилладиган ишлар учун	424,0
4	Сайлов участкаларидаги обьектларни таъмирлашга (мактаблар)	250,0
5	Самарқанд МФЙ ҳудудида мини футбол майдончасига томошабинлар учун ўриндиқлар ва айвон қуриш учун	470,0
6	<b>Ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш йўналишларига, жами:</b>	<b>384,0</b>
<b>Шу жумладан:</b>		
6,1	Туман ҳокимлиги маъмурий биносини жорий таъмирлаш харажатларига	142,0
6,2	Катта Ўра мфйга қарашли Қизилтом қишлоғидаги 46-сон мактаб филиалини жорий таъмирлаш харажатларига	122,0
6,3	Халқ таълими бўлимига қарашли 37-сон умумтаълим мактабини жорий таъмирлаш харажатларига	120,0
7	<b>Кредитор қарздорликларни қоплашга, жами</b>	<b>100,0</b>
<b>Шу жумладан</b>		

7,1	Вилоят ҳокимлиги “Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг” компаниясига, туманнинг “Қоратепа” қишлоғидаги 20 ўринли қишлоқ участка шифохонасини капитал таъмирлашда амалга оширилган қурилиш ишлари харажатлари қарздорлигига маблағ ажратиш	100,0
8	<b>Бошқа харажатлар, жами:</b>	332,3

**Шу жумладан:**

8,1	Сайлов участкалари учун кондекционер сотиб олиш ҳамда банерлар тайёрлаш харажатларига	57,0
8,2	Туман ҳокимлиги ҳамда таркибий бўлимлари ходимларини рағбатлантириш харажатларига	112,0
8,3	Туман ҳокимлиги, сектор котибияти ҳамда сайлов участкалари учун интернет харажатларига	100,0
8,4	Туман ҳокимлиги маъмурий биносини қуриқлаш хизматига	58,3
8,5	Туман ҳокимлиги моддий техник базасини мустаҳкамлаш харажатларига	5,0